

BOSHQARUV QARORI

2022 y. «27» avgust

№ 6/1

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида харидларни амалга ошириш Тартибини янги тахрирда тасдиқлаш тўғрисида

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида харидларни амалга ошириш Тартиби”нинг амалдаги тахрири Банк бошқарувининг 2021 йил 30 июлдаги 93/4-сонли қарорига асосан тасдиқланган.

Банкни трансформация қилиш жараёнида Халқаро молия корпорациясининг тавсияларига асосан унинг ташкилий тузилмасига бир қатор ўзгартиришлар киритилган. Жумладан, “Харидларни ташкил этиш бошқармаси” Маъмурий - хўжалик департаментидан Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти таркибига ўтказилган.

Шунингдек, бугунги кунга қадар харид соҳасини тартибга солувчи қонунчиликка сезиларли ўзгартиришлар киритилган.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 июлдаги “Давлат буюртмачилари томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) давлат харидларида узлуксизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 473-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сонли қарори билан тасдиқланган давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг тасдиқланган рўйхати бўйича айрим тоифадаги харидлар экспертизадан ўтказилмаслиги белгиланди.

Мазкур ўзгаришларни Банк тизимида харид соҳасини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжат ҳисобланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида харидларни амалга ошириш Тартиби”да акс эттириш мақсадида Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти томонидан ушбу ҳужжат Банкнинг бошқа масъул таркибий бўлинмалари билан келишган ҳолда янги тахрирда ишлаб чиқилиб, тасдиқлаш учун Бошқарув муҳокамасига киритилган.

Банк бошқаруви тўғрисидаги Низомнинг 22-бандига мувофиқ банкнинг низом, тартиб, қоида ва йўриқнома шаклидаги ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш ва уларга ўзгартиришлар киритиш Бошқарувнинг ваколатига қиради.

Юқоридагларни инобатга олиб ҳамда Банк эҳтиёжи учун товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида, Банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида харидларни амалга ошириш Тартиби” иловага мувофиқ янги тахрирда тасдиқлансин.
2. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти (О.Вохидов) Тартибнинг янги тахририни белгиланган тартибда банкнинг барча таркибий бўлинмалари ва филиалларига юборилишини назорат қилсин.
3. Филиал раҳбарлари мазкур Тартибнинг янги тахрири мазмун-моҳиятини ходимларга етказсин ҳамда унинг талабларига риоя этилишини таъминлансин.
4. Юридик департамент (Б.Норхужаев) ушбу Тартибнинг янги тахрири тасдиқлангандан кейин қонунчиликда ўрнатилган муддатда Марказий банкка тақдим этилишини ташкил этсин.
5. Шу муносабат билан, Банк Бошқарувининг 2021 йил 30 июлдаги 93/4-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида харидларни амалга ошириш Тартиби” ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бошқарув Раиси ўринбосари Ш.Якубов зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари

Бошқарув Раиси
ўринбосари

Бошқарув Раиси
ўринбосари

Бошқарув Раиси
ўринбосари

Бухгалтерия ҳисоби ва
молиявий менежмент
департаменти директори

Юридик департамент
директори

Киритилди:

Бухгалтерия ҳисоби ва
молиявий менежмент департаменти
директори ўринбосари

С. Аннакличев

А. Акбаржонов

Ш. Якубов

А. Эргашев

Б. Рахматов

О. Вохидов

Б. Норхужаев

А. Хужамуратов

Юридик департамент
Методология бошқармасида
2022 йил “27” *январ* да
485-сон билан
“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”



“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
бошқарувининг
2022 йил “27” *январ* даги
сонли қарорига
ИЛОВА

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида харидларни амалга ошириш тартиби (янги таҳрири)

I. Умумий қоидалар

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида харидларни амалга ошириш тартиби (кейинги ўринларда – Тартиб) Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-3953-сонли Қарори, 2019 йил 5 декабрдаги “Давлат харидлари тизimini янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4544-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4812-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2021 йил 30 июлдаги “Давлат буюртмачилари томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) давлат харидларида узлуксизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 473-сонли Қарори, “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами: 3016, 26.05.2018 йил) ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Тартиб “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринда – Банк) тизимида харидлар (товарлар ишлар, хизматлар)ни амалга ошириш тартибини белгилайди.

3. Тартибда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

буюртмачи – Банк ва унинг филиаллари;

харид – товарларни (ишларни, хизматларни) банк томонидан пулли асосда олиш жараёни;

Қонун – Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни;

харид комиссияси – товарларни (ишларни, хизматларни) сотиб олиш бўйича Бош банк ва филиалларда ташкил этиладиган комиссияси;

кичик харид комиссияси – қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (бир юз) бараваридан 500 (беш юз) бараваригача бўлган миқдорда иш ва хизматни, шунингдек, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион ўтказилмаган деб топилганда қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 (беш юз) бараваригача бўлган

миқдорда товарни сотиб олиш бўйича Банкда ташкил этиладиган харид комиссияси;

йирик харид комиссияси – қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг **500** (беш юз) бараваридан **25 000** (йигирма беш минг) бараваригача бўлган миқдорда товарни (ишни, хизматни), шунингдек, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион ўтказилмаган деб топилганда қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг **500** (беш юз) бараваридан **25 000** (йигирма беш минг) бараваригача бўлган миқдорда товарни сотиб олиш бўйича Банкда ташкил этиладиган харид комиссияси;

тендер комиссияси – қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг **25 000** (йигирма беш минг) бараваридан юқори бўлган миқдорда товарни (ишни, хизматни) сотиб олиш бўйича Банкда ташкил этиладиган харид комиссияси;

ташаббускор бўлинма – харидларни амалга ошириш бўйича ташаббус билан чиққан Банкнинг таркибий бўлинмаси. Ташаббускор бўлинмалар мазкур Тартибнинг 1-иловасига мувофиқ ўзларига тааллуқли харидлар юзасидан харид жараёнларида иштирок этадилар.

харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлинма (кейинги ўринларда - масъул бўлинма) – Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий менежмент департаменти. Масъул бўлинма харид олди, харид ва харид якуни жараёнларини мувофиқлаштиради;

харид олди жараёнлари – харидлар бўйича мурожаатларни ўрнатилган меъёрларга мувофиқлигини ва самарадорлигини ўрганиш жараёни;

ўрнатилган меъёрлар - “Бизнес режа”, “Асосий воситалар сметаси”, банк Бошқаруви ва Бошқарув Раиси ўринбосарлари томонидан тасдиқланган меъёр кўрсаткичлари.

харидлар билан боғлиқ шартнома – харидлар бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида буюртмачи ва харидларнинг ижроси ўртасида тузиладиган, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ нормалари амал қилиши кўрсатиб ўтилган битим;

ягона етказиб берувчи – табиий монополия субъекти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган субъектлар, шунингдек, давлат томонидан харид қилинаётган, бозорда муқобиллари мавжуд бўлмаган ноёб товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчи;

энг яхши таклифларни танлаш – харид қилиш тартиб-таомилларининг бир нечта иштирокчисидан олинган таклифларни таққослаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули;

лот – турли белгилари бўйича гурухлаштирилган (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил турдаги товарларнинг жамланмаси сифатида буюртмачи томонидан белгиланган ва алоҳида шартнома бўйича харид предметининг миқдорий қисми;

таклифни таъминлаш – буюртмачининг талабига биноан иштирокчи томонидан таклифлар ва мажбуриятларнинг гаров, кафолат, закат тарзида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши;

харидлар бўйича тўғридан-тўғри шартнома – махсус ахборот порталида рўйхатга қўйилиши шарт бўлган, харидлар бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни

белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида буюртмачи ва харидларнинг ижрочиси ўртасида тузиладиган битим;

заҳиradeаги ғoлиб – харид қилиш тартиб-таомиллари якунлари бўйича харид комиссиясининг қарорига мувофиқ ғoлибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган деб топилган харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиси;

веб сайтлар - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан юритиладиган, давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълонлар, давлат харидларининг якунлари, иштирокчиларнинг таклифлари ҳақидаги ахборотни ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ахборотни электрон шаклда кўздан кечиришни, шунингдек амалга оширилган электрон давлат харидлари тўғрисида давлат харидлари электрон тизимларининг операторлари томонидан киритиладиган (юбориладиган) ахборотни тўплашни таъминловчи веб-сайт (махсус электрон платформа);

табиий монополия субъекти – табиий монополия шароитларида товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва/ёки реализация қилиш билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс);

тендер таклифи – тендер ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тендер предметига нисбатан иштирокчининг таклифи;

давлат харидларининг электрон тизими - (кейинги ўринларда - электрон тизим) - давлат харидлари субъектларининг ҳамкорлигини, электрон давлат харидлари жараёнидаги харид қилиш тартиб-таомиллари ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларнинг дастурий мажмуи;

электрон давлат харидлари - ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакли.

манфаатлар тўқнашуви – банк ходимининг шахсий манфаати (бевосита ёки билвосита) у томонидан хизмат вазифаларини тегишли тарзда бажаришига таъсир кўрсатаётган ёки кўрсатиши мумкин бўлган ва ходимнинг шахсий манфаати билан банк манфаатлари ўртасида зиддият юзага келаётган ёки келиши мумкин бўлган вазиятлар;

ижрочи – Ташкилотда тузилган харид комиссияси аъзолари;

контрагент – банк билан харид жараёнлари доирасида шартномавий муносабатларга киришишни режалаштираётган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс.

II. Харид олди жараёнларини ташкил этиш

1-бoб. Бош банк бўлинмалари мажбуриятлари

1-§. Харидлар бўйича масъул бўлинманинг мажбуриятлари

4. Харид олди жараёнлари масъул бўлинма томонидан амалга оширилади. Харид олди жараёнида харид бўйича мурожаатларнинг ўрнатилган меъёрларга мувофиқлиги, бозор нархи ва самарадорлиги, шунингдек бўлинмаларнинг мурожаатда сўралган қимматликлар билан таъминланганлиги каби мезонлар ўрганилади.

5. Ўрнатилган меъёрлар масъул бўлинма томонидан ташаббускор бўлинмалар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Зарур ҳолларда, масъул бўлинма ўрнатилган меъёрларни қайта кўриб чиқиш жараёнини мувофиқлаштиради ва

ўзгаришларни тасдиқлаш масаласини банк раҳбариятининг муҳокамасига киритади.

6. Масъул бўлинма Бош банк бўлинмаларининг харидлар бўйича мурожаатларини электрон ҳужжат айланиш дастури (кейинги ўринларда – ЭҲА дастури) орқали келиб тушган кунидан бошлаб **уч иш куни** мобайнида ўрнатилган меъёрларга мувофиқлигини ўрганади ва ўз фикрини билдиради. Ўз фикрини билдириш мурожаатга тасдиқ белгиси (виза) қўйиш ёки хулоса тақдим этиш орқали амалга оширилади.

Харид талабларига мувофиқ келмаган мурожаатлар сабаблари кўрсатилган ҳолда ташаббускор бўлинмага қайтарилади.

7. Масъул бўлинма банк филиалларининг харидлар юзасидан ЭҲА дастури орқали юборган мурожаатларини **уч иш куни** мобайнида ўрганиб чиқади.

8. Филиалларнинг харид бўйича мурожаатлари заруриятдан келиб чиқиб, Бош банкнинг ташаббускор бўлинмасига ЭҲА дастури орқали хулоса олиш учун тақдим этилади. Ташаббускор бўлинма ушбу мурожаатларга **уч иш куни** давомида ўз хулосасини бериши зарур.

2-§. Ташаббускор бўлинмаларнинг мажбуриятлари

9. Бош банкнинг ташаббускор бўлинмалари ўз фаолияти учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш учун мурожаатларини **раҳбарият муҳокамасига киритишдан олдин** харид талабларига мувофиқлигини асослаш учун масъул бўлинма билан келишиши зарур.

10. Келишиш масъул бўлинма бошлиғи томонидан мурожаатга тасдиқ имзоси (электрон ёки ёзма) қўйиш (хулоса тақдим этиш) орқали амалга оширилади.

11. Ташаббускор бўлинмалар, ўз мурожаатларига харид талаблари (техник топширик)ни илова қилишлари лозим.

12. Ташаббускор бўлинма харидлар бўйича мурожаатга масъул бўлинма томонидан билдирилган эътирозга **уч иш куни** давомида жавоб бериши ёки қўшимча сўралган маълумотларни тақдим этиши зарур.

13. Зарур ҳолатларда, Бош банкнинг ташаббускор бўлинмалари **1-иловада** келтирилган рўйхат бўйича филиаллардан харид юзасидан келиб тушган мурожаатларнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан **уч иш куни** давомида хулоса беради.

14. Ташаббускор бўлинма марказлаштирилган тартибда амалга ошириладиган харидлар бўйича мазкур Тартиб талаблари асосида ҳужжатлар тўпламини тайёрлайди.

2-боб. Филиалда бўлинмаларнинг мажбуриятлари

3-§. Филиалда харидлар бўйича масъул бўлинманинг мажбуриятлари

15. Филиалларда харидлар бўйича масъул бўлинма харид ишларини мувофиқлаштиради.

16. Масъул бўлинма харидлар бўйича ташаббускор бўлинмалар томонидан ушбу Тартибга мувофиқ расмийлаштирилган мурожаатларни ўрганиш ва Бош банк масъул бўлинмасига тақдим этиш, шунингдек харидларни ташкил этиш ишларини амалга оширади.

4-§. Филиалда ташаббускор бўлинмаларнинг мажбуриятлари

17. Филиалларда ташаббускор бўлинмалар ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш бўйича филиал бошқарувчиси номига билдиришнома тақдим этади.

18. Филиал бошқарувчиси томонидан тасдиқланган билдиришнома белгиланган тартибда харидларни ташкил этиш учун филиалнинг масъул бўлинмасига тақдим этилади.

III. Харид жараёнларини ташкил этиш

2-боб. Харид жараёнига доир умумий талаблар

1-§. Харид жараёнларини амалга ошириш турлари

19. Харид қилиш жараёнларини амалга ошириш турлари қуйидагилар:

электрон дўкон;

бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;

энг яхши таклифларни танлаш;

тендер;

тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган харидлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан рухсат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари.

20. Банк эҳтиёжи учун қимматликларни сотиб олиш бўйича Бош банкда Кичик, Йирик ва Тендер комиссиялари, филиалларда эса харид комиссиялари ташкил этилади.

21. Бош банкда масъул бўлинма тендер ва танлов комиссиялари ишчи органи вазифасини бажаради. Шунингдек, масъул бўлинма ходимлари комиссиялар котиби этиб тайинланади.

22. Банк филиалларида бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлими харид комиссияси ишчи органи вазифасини бажаради.

2-§. Электрон дўкон орқали харидларни амалга ошириш мезонлари

23. Электрон дўкон орқали қуйидаги харидлар амалга оширилиши мумкин:

бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 000 (йигирма беш минг) бараваригача қийматдаги товарлар хариди;

бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 (бир юз) бараваригача қийматдаги ишларнинг, хизматларнинг хариди. Бунда, буюртмачи томонидан бир молия йили давомида харид қилинадиган айни бир турдаги ишлар, хизматлар миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 000 (бир минг) бараваридан ошмаслиги керак.

24. Электрон дўконда харид қилиш тартиб-таомилини ўтказиш Қонуннинг 49-51-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

3-§. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукционни ўтказиш мезонлари

25. Аукцион воситасидаги харид қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши;

товарнинг техник, эксплуатация қилиниш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш зарурати мавжуд эмаслиги;

товарнинг қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг **25 000** (йигирма беш минг) бараваригача бўлган миқдорини ташкил этиши керак.

Хизматлар ва ишларнинг давлат хариди аукцион объекти бўла олмайди.

26. Бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион ўтказиш Қонуннинг 52-55-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

4-§. Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш мезонлари

27. Энг яхши таклифларни танлаш (кейинги ўринларда – “танлаш”) воситасидаги харид қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлиши;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг **25 000** (йигирма беш минг) бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши.

28. Танлаш Қонуннинг 56-63-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

5-§. Тендер ўтказиш тартиб-таомиллари

29. Тендер воситасидаги харид қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ғолибни аниқлаш мезонлари товарнинг (ишнинг, хизматнинг) нафақат пул билан баҳоланишини, балки миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ҳам ўз ичига олади;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг **25 000** (йигирма беш минг) бараваридан ортиқ миқдорни ташкил этади.

30. Тендер ўтказиш Қонуннинг 64-70-моддаларига асосан оширилади.

6-§. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари

31. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харидлар қуйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

ягона етказиб берувчилар реестрига киритилган ягона етказиб берувчи билан харидни амалга ошириш учун рухсат этилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хариди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хариди;

фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хариди;

суд муҳокамасида иштирок этиш учун адвокатни (вакилни) тайинлаш билан боғлиқ бўлган харид;

илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари каби интеллектуал фаолият натижаларининг

мазкур интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган ягона шахсдан харид;

нарни (тарифи) давлат томонидан тартибга солинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хариди.

32. Масъул бўлинма тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан **3 (уч) иш куни** ичида махсус ахборот порталига жойлаштириши шарт.

33. Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидлари Қонуннинг 71-73-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

34. Тўғридан-тўғри шартномалар Қонуннинг 71-моддасига мувофиқ комплекс экспертизадан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сонли Қарорининг иловасида келтирилган тўғридан-тўғри шартномалар ва уларга қўшимча келишувлар комплекс экспертизадан ўтказилмайди, бундан қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 25000 (йигирма беш минг) бараваригача шартномалар ва уларга қўшимча келишувлар мустасно.

7-§. Банк (филиаллари)нинг харидлар бўйича муносабат ўрнатилган ҳамкорларининг идентификацияси

35. Юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар билан тузиладиган шартномалар юзасидан, агар бундай шартномалар суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баробарига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, Банк (филиаллари)нинг тегишли бўлинмаси томонидан “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари” (Рўйхат рақами: 2886, 23.05.2017 йил) талабларига мувофиқ тарзда миқдорни лозим даражада ўрганади.

36. Миқдорлар ҳақидаги маълумотлар iABS тизимидаги “Идентификация клиентов” модулида масъул ходимлар томонидан киритилиши, яъни идентификация қилиниши лозим.

8-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш ва контрагентларни ўрганиш ишларини ташкил этиш

37. Харид жараёни доирасида унинг иштирокчилари (ёки контрагентлар)ни текшириш харид комиссияси томонидан иштирокчилар берган таклифлар солинган конвертларни баҳолаш учун очилганидан кейин, бироқ харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича ғолиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар амалга оширилади.

Бунда харидлар бўйича муносабатлар ўрнатилгунига қадар, жумладан харидлар тўғрисидаги шартнома расмийлаштирилишигача бўлган жараёнларда манфаатлар тўқнашуви юзасидан хулоса олиниши лозим.

38. Харидлар бўйича юзага келадиган манфаатлар тўқнашуви ва контрагентларни текшириш, Харид комиссияси Раиси томонидан тайинланган ижрочи томонидан амалга оширилади. Бунда ижрочилар харид комиссияси аъзолари ичидан тайинланади.

39. Ташууббускор бўлинмадан тегишли ҳужжатлар олингандан сўнг икки иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда ижрочи томонидан манфаатлар тўқнашуви ва контрагентларни текшириш ишлари амалга оширилади.

40. Текширув натижалари тўғрисидаги хулосанинг бир нусхаси Комплаенс-назорат департаментига тақдим қилинади. Комплаенс-назорат департаменти ходими томонидан реестри юритилади.

41. Контрагентларни текшириш жараёнлари Комплаенс-назорат департаменти томонидан доимий равишда мониторинг қилиб борилади.

42. Манфаатлар тўнашувини ўрганиш ва контрагентларни текшириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2021 йил 18 октябрдаги 01-07/6859-сонли хатига илова қилинган намунавий низомларга мувофиқ амалга оширилади.

43. Харид иштирокчилари Қонуннинг 42-моддасида келтирилган шартларга мос келмаганида харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатилиши зарур.

9-§. Харидларни комплекс экспертизадан ўтказиш

44. Харидлар қонунчиликда ўрнатилган тартибда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасида (кейинги ўринларда - Комплекс экспертиза қилиш маркази) комплекс экспертизадан ўтказилади.

45. Масъул бўлинма харидларни комплекс экспертизадан ўтказиш жараёнини мувофиқлаштиради. Бунда харидлар масъул бўлинмада рўйхатга олинганидан сўнг комплекс экспертизага тақдим этилади.

IV. Харид якуни жараёнларини ташкил этиш

3-боб. Шартнома лойиҳасини тайёрлаш, келишиш ва рўйхатга олиш

1-§. Бош банкда харидлар билан боғлиқ шартнома лойиҳасини келишиш ва рўйхатга олиш, ўзгартириш (қўшимча)лар киритиш

46. Масъул бўлинма томонидан энг яхши таклифларни танлаш (тендер) натижасида ғолиб деб топилган ташкилот билан ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган харидлар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган санадан бошлаб **уч иш кuni** давомида шартномани тузиш бўйича фармойиш тайёрланади ва харидларни мувофиқлаштирувчи Бошқарув Раиси ўринбосарига имзо учун тақдим этилади.

47. Имзоланган фармойиш рўйхатга олингандан сўнг, шу куннинг ўзида масъул бўлинма томонидан харид комиссияси қароридан кўчирма ва техник топшириқ нусхаси илова қилинган ҳолда Бош банк Амалиёт бошқармаси Харид бўлимига шартнома расмийлаштириш учун йўналтирилади ҳамда ташаббускор бўлинма ғолиб аниқланганлиги тўғрисида хабардор қилинади.

48. Ташаббускор бўлинма томонидан ғолиб аниқланганлиги тўғрисида хабар олингандан сўнг **уч иш кuni** давомида харид шартномаси лойиҳаси банкнинг Амалиёт бошқармаси Харид бўлимига тақдим этилади.

Бош банк Амалиёт бошқармаси Харид бўлими томонидан шартнома лойиҳаси ҳамда унга илова қилинган харид (йирик/кичик) комиссияси қароридан кўчирма, техник топшириқ нусхаси ва шартнома расмийлаштирилишига рухсат берилган фармойиш Амалиёт бошқармасининг ҳуқуқшунос-маслаҳатчига келишув учун тақдим этилиши лозим.

Келишув шартномага виза қўйиш орқали амалга оширилади. Бунда шартноманинг ҳар бир бетида (охирги бетидаги визаси ёнига Ф.И.Ш. ёзилиши

шарт) ташаббускор бўлинма раҳбари ҳамда ҳуқуқшунос маслаҳатчининг визаси (юридик хулосаси) бўлиши лозим.

Банкнинг Амалиёт бошқармаси бошлиғига (имзолаш учун) тақдим этилаётган харид ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тўғри расмийлаштирилганлигига Амалиёт бошқармасининг Харид бўлими жавобгар ҳисобланади.

49. Амалиёт бошқармаси ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси томонидан тузилиши режалаштирилган шартнома лойиҳаси **уч иш куни** муддатда ўрганиб чиқилади.

Шартнома шартлари ва техник топшириқ амалдаги қонун ҳужжатларига мос бўлган тақдирда буюртмачи учун қоладиган шартнома нусхасининг ҳар бир варағига виза қўйилади (юридик хулоса тақдим этилади). Ҳуқуқшунос-маслаҳатчининг визаси (юридик хулосаси) мавжуд бўлмаса шартнома имзоланишига рухсат берилмайди.

50. Банкнинг Амалиёт бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланган шартнома **1 (бир) иш куни** давомида дастлаб ҳуқуқшунос-маслаҳатчига – “Шартномаларни рўйхатга олиш китоби”да рўйхатга олиш учун, сўнг банкнинг Амалиёт бошқармаси Ҳисоб-китоб операциялари ва назорат таҳлил бўлимига тўловларни амалга ошириш учун Харид бўлими томонидан тақдим этилади.

51. Амалиёт бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланган ва “Шартномаларни рўйхатга олиш китоби”да рўйхатга олинган шартнома тўлиқ расмийлаштирилган шартнома деб ҳисобланади ва Харид бўлими томонидан:

Лойиҳа бошқарув офисига - рўйхатдан ўтган (лойиҳа бошқаруви офиси томонидан маъқулланган лойиҳа асосида тузиладиган) шартнома нусхаси ва мазкур Тартибнинг **47-банди иккинчи хатбошисида** кўрсатилган ҳужжатларнинг “PDF” шаклидаги электрон шакли - харидлар бўйича назоратни амалга ошириш учун;

Банкнинг Амалиёт бошқармаси Ҳисоб-китоб операциялари ва назорат таҳлил бўлимига - шартноманинг асли (буюртмачи нусхаси) ва мазкур Тартибнинг **47-банди иккинчи хатбошисида** кўрсатилган ҳужжатларнинг “PDF” шакли – ўрнатилган тартибда тўловларни расмийлаштириш учун тақдим этилади.

52. Харидлар билан боғлиқ шартномаларни расмийлаштиришда, шунингдек, бу турдаги шартномаларга ўзгартириш (қўшимча)лар киритиш, тўловларни амалга ошириш ва мониторинг олиб боришда қуйидаги бўлинмаларга жавобгарлик юклатилади:

шартномаларни ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиши бўйича жавобгарлик ташаббускор бўлинма ва ҳуқуқшунос-маслаҳатчига;

шартномага ўзгартириш (қўшимча)лар киритишда жавобгарлик ташаббускор бўлинма, ҳуқуқшунос-маслаҳатчи ва харидларга масъул таркибий бўлинмага;

шартнома бўйича тўловларни тўғри ва ўз вақтида амалга оширишда банкнинг Амалиёт бошқармаси Ҳисоб-китоб операциялари ва назорат таҳлил бўлимига;

шартнома шартлари бажарилиши юзасидан мониторинг ишларини амалга ошириш бўйича жавобгарлик харидларга масъул бўлинма зиммасига юклатилади.

53. Бош банк эҳтиёжи учун қиймати 100 000 (бир юз минг) АҚШ доллари эквивалентидан ортиқ бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича шартномалар Бошқарув Раиси ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади. Бунда шартнома лойиҳаси ташаббускор бўлинма томонидан Юридик департаментга тақдим этилади.

54. Бош банк эҳтиёжи учун қиймати 100 000 (бир юз минг) АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) хариди бўйича шартномалар Бош банк ҳузуридаги Амалиёт бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланади. Бунда шартнома лойиҳаси Амалиёт бошқармаси Харид бўлими томонидан бошқарманинг ҳуқуқшунос-маслаҳатчисига тақдим этилади.

55. Харидлар билан боғлиқ бўлган шартномаларга ўзгартириш (қўшимча)лар киритиш (шунингдек, шартноманинг иловаларига) ушбу шартномаларни расмийлаштириш механизми каби амалга оширилади. Шартномага режалаштирилган ўзгартириш (қўшимча)ларни киритиш ишлари ташаббускор бўлинма томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) ташаббускор бўлинма фаолиятини мувофиқлаштирувчи Бошқарув Раиси ўринбосари номига асослангандирилган билдиришнома тайёрланади ва тақдим этилади;

2) ўзгартириш (қўшимча)лар матни лойиҳаси, техник топшириқ тайёрланади;

3) ташаббускор бўлинма фаолиятини мувофиқлаштирувчи Бошқарув Раиси ўринбосарининг имзоси мавжуд бўлган билдиришнома, ўзгартириш (қўшимча)лар лойиҳаси, техник топшириқ ва бошқа тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ташаббускор бўлинма томонидан масъул бўлинмага тақдим этилади;

4) харидларга масъул таркибий бўлинма тақдим этилган ҳужжатларни жамлаб банкнинг харид (йирик/кичик) комиссияси муҳокамасига тақдим этади.

56. Банк харид (йирик/кичик) комиссиясининг ижобий қарори қабул қилинса, харид билан боғлиқ шартномага ўзгартириш (қўшимча)лар киритиш ишлари мазкур Тартибнинг 45-49-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

Харид комиссиясининг қарори, шунингдек, юридик ҳулоса (виза) мавжуд бўлмаса мазкур ўзгартириш (қўшимча)лар имзоланиши ман этилади ва бунда жавобгарлик банкнинг Амалиёт бошқармаси Харид бўлимига юклатилади.

2-§. Филиалларда харидлар билан боғлиқ шартнома лойиҳасини келишиш ва рўйхатга олиш

57. Танлаш (электрон танлаш, тендер, электрон тендер) натижасида ғолиб деб топилган ташкилот билан ҳамда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган харидлар юзасидан шартномани тузишда дастлаб Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлими томонидан шартнома лойиҳаси тайёрланади.

Тайёрланган шартнома лойиҳаси ҳамда унга илова қилинган харид комиссияси қароридан кўчирма, харид қилинаётган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича техник топшириқ нусхаси филиалнинг ҳуқуқшунос-маслаҳатчисига харид комиссияси қарори қабул қилинган кундан бошлаб **уч иш кунидан** кечикмасдан келишув учун тақдим этилиши лозим.

58. Келишув шартномага виза қўйиш орқали амалга оширилади. Бунда шартноманинг ҳар бир бетида (охириги бетидаги визаси ёнига Ф.И.Ш. ёзилиши шарт) ташаббускор бўлинма ҳамда Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлими масъул ходимининг ҳамда ҳуқуқшунос-маслаҳатчининг визаси (юридик ҳулосаси) бўлиши лозим.

Мазкур банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган ва келишувга ҳамда филиал раҳбари (меҳнат таътили, касаллик варағи, ўз ҳисобидан таътил ёки хизмат сафари каби асосли ҳолатларда ўринбосари)га имзолаш учун тақдим этилаётган

ҳужжатлар тўлиқлигига, тўғри расмийлаштирилганлигига Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлими жавобгар ҳисобланади.

59. Ҳуқуқшунос-маслаҳатчи томонидан тузилиши режалаштирилган шартнома лойиҳаси **2 (икки) иш кун**и муддатда ўрганиб чиқилади. Шартнома шартлари техник топшириқ ва амалдаги қонун ҳужжатларига мос бўлган тақдирда банк учун қоладиган шартноманинг ҳар бир варағига виза қўйилади (юридик хулоса тақдим этилади).

Ҳуқуқшунос-маслаҳатчининг виза (юридик хулоса)си мавжуд бўлмаса шартнома лойиҳаси имзо учун филиал раҳбари (ўринбосари)га тақдим этилиши ман этилади. Филиал ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси вақтинча ишда бўлмаган вақтда (бетоблик, меҳнат таътили ёки филиал ҳуқуқшунос-маслаҳатчи лавозими вақтинча бўш бўлганда) шартнома лойиҳасига виза (юридик хулоса)ни буйруқ билан юклатилган бошқа филиал ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси тақдим этиши мумкин.

Ҳуқуқшунос-маслаҳатчининг виза (юридик хулоса)си мавжуд бўлмаса ва (ёки) шартнома “Шартномаларни рўйхатга олиш китоби”да рўйхатдан ўтмаган бўлса шартнома тузилиши ман этилади ва бунда жавобгарлик филиалнинг Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлими зиммасига юклатилади.

60. Ҳуқуқшунос-маслаҳатчи томонидан имзоланган (юридик хулоса тақдим этилган) шартнома лойиҳаси Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлими томонидан филиал раҳбари (ўринбосари)га имзо учун тақдим этилади.

Филиал раҳбари (ўринбосари) томонидан имзоланган шартнома мазкур бўлинма томонидан **бир иш кун**и мобайнида Юридик хизматга “Шартномаларни рўйхатга олиш китоби”да рўйхатга олиш учун юборилади.

Имзоланган ва “Шартномаларни рўйхатга олиш китоби”да рўйхатга олинган шартнома тўлиқ расмийлаштирилган шартнома деб ҳисобланади ва Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлими томонидан тўловларни амалга ошириш учун филиал бош бухгалтери (меҳнат таътили, касаллик варағи, ўз ҳисобидан таътил ёки хизмат сафари каби асосли ҳолатларда ўринбосари)га тақдим этади.

61. Филиал бош бухгалтери (меҳнат таътили, касаллик варағи, ўз ҳисобидан таътил ёки хизмат сафари каби асосли ҳолатларда ўринбосари) тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш учун масъул ва жавобгар ҳисобланади.

62. Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлими томонидан шартномаларни электрон базада реестрини юритиб бориш ишлари амалга оширилади.

63. Харидлар билан боғлиқ шартномаларни расмийлаштиришда, шунингдек, бу турдаги шартномаларга ўзгартириш (қўшимча)лар киритиш, тўловларни амалга ошириш ва мониторинг қилиш куйидаги бўлинмаларга жавобгарлик юклатилади:

шартномаларни ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиши бўйича жавобгарлик Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлими ва ҳуқуқшунос-маслаҳатчига; шартномага ўзгартириш (қўшимча)лар киритишда жавобгарлик ташаббускор бўлинма, ҳуқуқшунос-маслаҳатчи ҳамда Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлимига;

шартнома бўйича тўловларни амалга оширишда бош бухгалтерга; мониторинг олиб боришда Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлимига; шартнома шартларини тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан жавобгарлик ташаббускор бўлинмага юклатилади.

64. Ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаган шартнома тузилиши ман этилади ва бунда жавобгарлик ташаббускор бўлинма ҳамда Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлимига юклатилади.

3-§. Филиалларда харидлар билан боғлиқ шартномаларга ўзгартириш (қўшимча)лар киритиш

65. Филиалларда Харидлар билан боғлиқ бўлган шартномаларга ўзгартириш (қўшимча)лар киритиш (шунингдек, шартноманинг иловаларига) ушбу шартномаларни расмийлаштириш механизми каби амалга оширилади. Шартномага режалаштирилган ўзгартириш (қўшимча)ларни киритиш ишлари ташаббускор бўлинма томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) ташаббускор бўлинма томонидан ушбу ўзгартириш (қўшимча)ларни киритиш зарурлиги асослантирилган ҳолда филиал раҳбарига билдиришнома киритилади;

2) ўзгартириш (қўшимча)лар матни лойиҳаси, техник топшириқ тайёрланади;

3) филиал раҳбари (ўринбосари)нинг имзоси мавжуд бўлган билдиришнома, ўзгартириш (қўшимча)лар лойиҳаси, техник топшириқ ва бошқа тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ташаббускор бўлинма томонидан филиалнинг Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлимига тақдим этилади;

4) Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлими тақдим этилган ҳужжатларни жамлаб филиалнинг харид комиссияси муҳокамасига тақдим этади.

66. Филиал харид комиссиясининг ижобий қарори қабул қилинса, харид билан боғлиқ шартномага ўзгартириш (қўшимча)лар киритиш ишлари мазкур Тартибнинг 55-58-бандларида кўрсатилган ҳаракатларга мувофиқ амалга оширилади.

Филиал харид комиссиясининг ижобий қарори, шунингдек, ҳуқуқшунос-маслаҳатчининг виза (юримдик хулоса)си мавжуд бўлмаса, мазкур ўзгартириш (қўшимча)лар имзоланиши ман этилади ва бунда жавобгарлик Бухгалтерия ҳисоби ва назорати бўлимига юклатилади.

V. Қўшимча қоидалар

67. Барча харидлар, туридан қатъий назар, ташаббускор бўлинманинг асослантирилган ёзма билдиришномаси ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар (техник топшириқ, танлаш (тендер) ҳужжатлари ва бошқалар) асосида амалга оширилади.

68. Харид комиссияси, йирик харид комиссияси, кичик харид комиссияси ҳамда тендер комиссияларининг ўз ваколати доирасида қабул қиладиган қарорлари тегишли бўлинмалар учун мажбурийдир. Қабул қилинган қарорга асосан тузиладиган шартномаларга ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фақатгина комиссия қарорига асосан амалга оширилиши лозим.

69. Бош банк ва филиалларда ўтказиладиган танлов (тендер) натижасида ҳамда тўғридан-тўғри тузиладиган харидларга оид шартномалар, контрактлар ва импорт контрактлари харидларни амалга оширишга масъул таркибий бўлинма (масъул ходим) хабардорлигида расмийлаштирилиши шарт. Зарур ҳолларда харидларни амалга оширишга масъул таркибий бўлинма (масъул ходим) ўз билим ва малакалари доирасида ҳамда очиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ташаббускор бўлинмалар томонидан харид учун тақдим этилган ҳужжатлардаги чегаравий ва харид нархларининг ўртача бозор нархларига мос келишини ўрганишлари мумкин.

70. Банк (филиаллари) ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йилда жорий хўжалик фаолиятини таъминлаш учун моддий-техник ресурслар рўйхатини

шакллантиради ва уни Банк Кенгаши розилиги билан давлат харидлари сайтида эълон қилади.

71. Келгуси йил учун давлат харидларининг йиллик режа-жадваллари банк (филиаллари) томонидан жорий йилнинг 25 декабрига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

72. Келгуси чорак учун давлат харидларининг чораклик режа-жадваллари банк (филиаллари) томонидан жорий чорак охири ойининг 25 санасига қадар махсус ахборот порталида жойлаштирилади.

73. Умумий қиймати бир шартнома бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 000 (эллик минг) бараваридан юқори бўлган импорт товарлари (ишлар, хизматлар) харидларининг мақсадга мувофиқлиги ҳар чоракда рўйхати тасдиқланган ҳолда мажбурий тартибда кўриб чиқиш учун банк Кенгашига тақдим этилади.

74. Бош банк буюртмачи сифатида:

а) ҳар йили:

1 мартга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно) расмий веб-сайтларига жойлаштириб, 10 мартга қадар уни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш жойи ва вақти ҳақида хабар беради;

1 апрелга қадар ўз фаолиятига оид ҳисоботни кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш учун матбуот анжуманларини ўтказди;

б) Қуйидагилар тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталига ва ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириб, уларни ҳар чоракда янгилаб боради:

амалга оширилган харидлар, шу жумладан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар);

мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар, бундан давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар мустасно);

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар, шу жумладан индивидуал имтиёзлар берилган субъектларнинг бенефициарлари (якуний манфаатдор жисмоний шахслари), улар томонидан тўланган солиқлар ва молиявий кўрсаткичлар;

ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомобилотранспорт воситаларини сотиб олиш харажатлари;

в) Ўз ҳузурида фаолият юритувчи жамоатчилик кенгашлари билан биргаликда расмий веб-сайтларида қуйидаги маълумотларни жойлаштириб, уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлайди:

жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);

жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар;

давлат харидларини амалга оширувчи комиссиянинг тасдиқланган аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими);

лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли ҳамда хабарномаларни қабул қиладиган органларнинг ҳудудлар кесимида масъул ходимлари, шу жумладан ушбу тоифадаги ҳужжатларни беришни ташкиллаштирадиган тегишли комиссия аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми, эгаллаб турган лавозими).

VI. Якуний қоидалар

75. Харидларни расмийлаштириш, тузилган шартномалар бўйича ҳисоб-китоб қилиш, шартномавий мажбуриятлар бажарилишини мониторинг қилиш ва шикоятларни, низо ва келишмовчиликларни кўриб чиқиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

76. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик нормаларига ўзгартириш киритилиши натижасида, мазкур Тартибнинг нормалари бир-бирига зид бўлиб қолган тақдирда, унинг нормалари амалда бўлган қонун нормаларига мувофиқлаштирилгунига (белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш/қўшимчалар киритилгунига) қадар вақтинча ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

77. Мазкур Тартиб талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

78. Ушбу Тартиб тасдиқланиши муносабати билан, Банк Бошқарувининг 2021 йил 30 июлдаги 93/4-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида харидларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Тартиби (янги таҳрирда) ва унга киритилган ўзгартиришлар ҳамда Банк бошқарувининг 2021 йил 25 августдаги 79-сонли буйруғи ўз кучини йўқотади.

Киритилди:

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий
менежмент департаменти директори

О.Вохидов

Келишилди:

Комплаенс-назорат
департаменти директори

Ж.Юсупов

Риск менежмент
департаменти директори

З.Усманов

Операцион департаменти
директори ўринбосари

А.Холов

Хавфсизлик ва ахборотларни
муҳофаза қилиш департаменти
директори

С.Сергиенко

Юридик департамент Методология
бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Ҳ.Умаров

№	Харидлар турлари	Ташаббускор бўлинмалар
1.	Банк маъмурий биноларини капитал ва жорий таъмирлаш харажатлари (тўлов ҳужжатларини тақдим этиш)	Маъмурий хўжалик департаменти
2.	Хизмат автомашиналар сотиб олиш (меъёрлар ишлаб чиқиш)	Маъмурий хўжалик департаменти
3.	Банк маъмурий биноларини сақлаш билан боғлиқ қимматликларни сотиб олиш харажатлари (меъёрлар ишлаб чиқиш)	Маъмурий хўжалик департаменти
4.	Асосий воситаларни таъмирлаш (пластик карточка ускуналарида ташқари), ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари харажатлари (меъёрлар ишлаб чиқиш)	Маъмурий хўжалик департаменти
5.	Коммунал (электр-энергия, газ, иссиқлик тизими ва ҳ.к.) хизмат харажатлари (хулоса бериш)	Маъмурий хўжалик департаменти
6.	Компьютер жиҳозлари ва дастурларини сотиб олиш, ахборотлаштириш бўйича хизматлар	Ахборот технологиялари департаменти
7.	Касса тизими жиҳозлари сотиб олиш (хулоса бериш)	Операцион департамент
8.	Реклама (эълон) ва реклама воситалари сотиб олиш, кўргазмалар ташкил этиш (хулоса бериш)	Маркетинг департаменти
9.	Банк хавфсизлигини таъминлаш (кўриқлаш, сигнализация, антивирус дастури, видеокузатув воситалари ва ҳ.к.) харажатлари (хулоса бериш)	Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти
10.	Пластик карточка ускуналари (банкомат, инфокиоск, терминал, дастурлар сотиб олиш ва ҳ.к.)ни сотиб таъмирлаш ва улар билан боғлиқ бошқа харажатлар (хулоса бериш)	Банк карталари тизимларини қўллаб-қувватлаш департаменти
11.	Ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш харажатлари (хулоса бериш)	Ходимларни бошқариш департаменти Ўқув Маркази
12.	Касаба уюшмаси мурожаатлари бўйича харажатлар (хулоса бериш)	Ходимларни бошқариш департаменти
13.	Хизмат сафари билан боғлиқ (меҳмонхона, авиабилет ва ҳ.к.) харажатлар	Ушбу бандларга таллуқли харидлар бўйича мурожаат қилган бўлинмаларга ташаббускор бўлинмани мажбуриятлари юклатилади
14.	Девонхона, офис ва бошқа буюмлар харажатлари	
15.	Телефон ва алоқа харажатлари	
16.	Китоб, газета ва бошқа даврий нашриётлар бўйича харажатлар	
17.	Юридик хизматлар, “Norma” электрон ҳукукий дастури харажатлари	
18.	Таржима ва консалтинг, суғурта, баҳолаш, кадастр хизмати харажатлари	

16.	Китоб, газета ва бошқа даврий нашриётлар бўйича харажатлар	
17.	Юридик хизматлар, “Norma” электрон ҳукукий дастури харажатлари	
18.	Таржима ва консалтинг, суғурта, баҳолаш, кадастр хизмати харажатлари	
19.	Янги инфратузилмалар (минибанк, банк хизматлари маркази, валюта ва халқаро пул ўтказмалари шахобчалари кабилар) ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар	
20.	Бошқа харажатлар	

